

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
MINTAQAVIY BO‘LIMI  
XORAZM MA‘MUN AKADEMIYASI**

# **XORAZM MA‘MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI**

Axborotnoma OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrdagi 223/4-son qarori bilan biologiya, qishloq xo‘jaligi, tarix, iqtisodiyot, filologiya va arxitektura fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

**2024-10/3  
Xorazm Ma‘mun akademiyasi axborotnomasi  
2006 yildan boshlab chop qilinadi**

**Xiva-2024**

**Bosh muharrir:***Abdullayev Ikram Iskandarovich, b.f.d., prof.***Bosh muharrir o‘rinbosari:***Hasanov Shodlik Bekpo‘latovich, k.f.n., k.i.x.***Tahrir hayati:**

*Abdullayev Ikram Iskandarovich, b.f.d., prof.*  
*Abdullayeva Muborak Maxmusovna, b.f.d., prof.*  
*Abduhalimov Bahrom Abduraximovich, t.f.d., prof.*  
*Agzamova Gulchexra Azizovna, t.f.d., prof.*  
*Aimbetov Nagmet Kalliyevich, i.f.d., akad.*  
*Ametov Yakub Idrisovich, b.f.d., prof.*  
*Babadjanov Xushnut, f.f.n., prof.*  
*Bobojonova Sayyora Xushnudovna, b.f.n., dos.*  
*Bekchanov Davron Jumanazarovich, k.f.d.*  
*Buriyev Xasan Chutbayevich, b.f.d., prof.*  
*Gandjayeva Lola Atanazarovna, b.f.d., k.i.x.*  
*Davletov Sanjar Rajabovich, tar.f.d.*  
*Durdiyeva Gavhar Salayevna, arx.f.d.*  
*Ibragimov Baxtiyor To‘laganovich, k.f.d., akad.*  
*Izzatullayev Zuvayd, b.f.d., prof.*  
*Ismailov Is‘haqjon Otabayevich, f.f.n., dos.*  
*Jumaniyozov Zoxid Otaboyevich, f.f.n., dos.*  
*Jumanov Murat Arepbayevich, b.f.d., prof.*  
*Kadirova Shaxnoza Abdaxalilovna, k.f.d., prof.*  
*Qalandarov Nazimxon Nazirovich, b.f.f.d., k.i.x.*  
*Karabayev Ikramjan Turayevich, q/x.f.d., prof.*  
*Karimov Ulug‘bek Temirbayevich, DSc*  
*Kurbanbayev Ilhom Jumanazarovich, b.f.d., prof.*  
*Kurbanova Saida Bekchanovna, f.f.n., dos.*  
*Qutliyev Uchqun Otoboyevich, f-m.f.d.*  
*Lamers Jon, q/x.f.d., prof.*  
*Maykl S. Enjel, b.f.d., prof.*  
*Maxmudov Raufjon Baxodirovich, f.f.d., k.i.x.*  
*Mirzayev Sirojiddin Zayniyevich, f-m.f.d., prof.*  
*Matniyozova Hilola Xudoyberganovna, b.f.d., prof.*

*Mirzayeva Gulnara Saidarifovna, b.f.d.*  
*Pazilov Abduvayeit, b.f.d., prof.*  
*Razzaqova Surayyo Razzoqovna, k.f.f.d., dos.*  
*Ramatov Bakmat Zaripovich, q/x.f.n., dos.*  
*Raximov Raxim Atajanovich, t.f.d., prof.*  
*Raximov Matnazar Shomurotovich, b.f.d., prof.*  
*Raximova Go‘zal Yuldashovna, f.f.f.d., dos.*  
*Ro‘zmetov Baxtiyar, i.f.d., prof.*  
*Ro‘zmetov Dilshod Ro‘zimboyevich, g.f.n., k.i.x.*  
*Sadullayev Azimboy, f-m.f.d., akad.*  
*Salayev San‘atbek Komilovich, i.f.d., prof.*  
*Saparbayeva Gulandam Masharipovna, f.f.f.d.*  
*Saparov Kalandar Abdullayevich, b.f.d., prof.*  
*Safarov Alisher Karimjanovich, b.f.d., dos.*  
*Sirojov Oybek Ochilovich, s.f.d., prof.*  
*Sobitov O‘lmasboy Tojxmedovich, b.f.f.d., k.i.x.*  
*Sotipov Goyipnazar, q/x.f.d., prof.*  
*Tojibayev Komiljon Sharobitdinovich, b.f.d., akad.*  
*Xolliyev Askar Ergashevich, b.f.d., prof.*  
*Xolmatov Baxtiyor Rustamovich, b.f.d.*  
*Cho‘ponov Otanazar Otojonovich, f.f.d., dos.*  
*Shakarboyev Erkin Berdikulovich, b.f.d., prof.*  
*Ermatova Jamila Ismailovna, f.f.n., dos.*  
*Eshchanov Ruzumboy Abdullayevich, b.f.d., prof.*  
*O‘razboyev G‘ayrat O‘razaliyevich, f-m.f.d.*  
*O‘rozboyev Abdulla Durdiyevich, f.f.d.*  
*Hajiyeva Maqsuda Sultonovna, fal.f.d.*  
*Hasanov Shodlik Bekpo‘latovich, k.f.n., k.i.x.*  
*Xudayberganova Durdona Sidiqovna, f.f.d.*  
*Xudoyberganov Oybek Ikromovich, PhD, k.i.x.*

Xorazm Ma‘mun akademiyasi axborotnomasi: ilmiy jurnal.-№10/3 (119), Xorazm Ma‘mun akademiyasi, 2024 y. – 202 b. – Bosma nashrning elektron varianti - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Muassis: O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi mintaqaviy bo‘limi – Xorazm Ma‘mun akademiyasi

## БРАХМАНИЗМДА АТМАН ТУШУНЧАСИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИНING ФАЛСАФИЙ-ДИНИЙ ОМИЛЛАРИ

*Т.А.Мадалимов, PhD, доц., Чирчиқ давлат педагогика университети, Чирчиқ*

**Аннотация.** Мақолада қадимги ҳинд фалсафасининг энг муҳим негизи бўлган брахманизм динида Атман тушунчасининг шаклланиши, унинг ривожланиши, ҳамда ҳозирги замон ҳинд фалсафасида қўлланилиши кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** брахман, атман, рух, веда, веданта

**Аннотация.** В статье показано формирование концепции Атмана в религии брахманизма, которая является важнейшей основой древнеиндийской философии, ее развитие и использование в современной индийской философии.

**Ключевые слова:** брахман, атман, душа, веда, веданта.

**Abstract.** The article shows the formation of the concept of Atman in the religion of Brahmanism, which is the most important foundation of ancient Indian philosophy, its development, and its use in contemporary Indian philosophy.

**Keywords:** brahman, atman, soul, veda, vedanta

Брахман тушунчасининг пайдо бўлиши милоддан аввалги VIII-VII асрларга бориб тақалади. Ведалардаги ҳар бир самхита маълум бир Брахманга эгадир. Брахман (ब्रह्म) тушунчаси “муқаддас сир”, “ибодат”, маросимлар ва ибодатлар бўйича мутахассис деган маънони ҳам англатади. Брахманнинг моҳияти анъанавий тарзда видхи (विधि)-қонунлар, артхавада अर्थवाद-талқиндан иборат. Унда дастлаб маросимларни ўтказиш қоидалари ва маросим шарҳлари тушунтирилади. Юқорида айтилганидек ҳар бир веда ўз Брахманига эга. Масалан: Ригведада-Айтарейя Брахман ёки Каушитака Брахман, Самаведада эса Таньдя Маха-Брахман, қора Яджурведада –Тайттирия Брахман, оқ Яджурведа-Шатапатха Брахман. Ҳинд фалсафасида Худо Брахман ҳукмронлик қилган давр Ҳиндистонда Брахманизм даври деб аталади. Бу даврга келиб, Ведаларнинг муқаддас қадриятлари эскирган давр сифатида қаралган. Айрим ҳиндшунос олимларнинг таъкидлашича, барча ўзгаришлар сабаби деб жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ўзгариши деб қаралади. Хусусан Костюченконинг таъкидлашича Ҳиндистонда Брахманизмнинг пайдо бўлишидан то Упанишадларнинг вужудга келишигача бўлган давр (милоддан аввалги 1минг йиллик ўрталари) ҳинд диёрида ибтидоий жамоа тузуми ўрнига илк синфий жамият пайдо бўлади. Темир асрига ўтиб техникаларнинг ривожланиши, шаҳарларнинг цивилизациялашувига олиб келди. Бу даврда варналарнинг шаклланиши нихоясига етаётган эди. Буларнинг барчаси дин орқали ўз аксини намоён қилаётган эди. Айниқса бу маросимларда ўз ифодасини топаётган эди. Қиммат ва дабдабали маросимлар Брахманларнинг асосий даромад манбаигина бўлиб қолмай, аста-секин уларни ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаб бораётган эди [1]. Рухонийлар томонидан маросимлар пухта ишлаб чиқилган бўлиб, унда асосий эътибор қурбонлик қилишга қаратилган эди.

Брахманларда космогония биологик ҳарактерга эга бўлган, шунинг учун дунё ва ҳаёт аллақачон йўқ бўлиб кетган. Брахманлар эса қурбонлик келтириб, борлиқни қайтиб тиклашган. Э. Мирчанинг таъкидлашича Веда худолари Брахманларда эътиборга олинмаган ёки қурбонлик пайтлари иккинчи даражали деб топилган [2]. Энг биринчи худо Праджапати қурбонликдан кейин пайдо бўлади. Кейин Пуруша билан танишади. Қурбонлик нафақат Праджапатини тиклайди балки дунёнинг мавжудлигини тиклайди. У орқали ягона моҳият субстанция- Атманни вужудга келтиради. Қурбонлик қилишдан асосий мақсад ҳам – моҳият(атман)ни тиклашдир. Қурбонлик даврида қурбонлик берувчининг руҳий ва жисмоний фаолияти бирлашиши керак. Улар натижасида Атман ҳосил бўлади ва боқийликка эришади.

Айтарейя Брахманда борлиқнинг асоси сифатида –олов тушунилади. Барча нарса оловдан пайдо бўлган ва оловга қайтиб кетади. Аммо ушбу манбада Брахманнинг космогоник функциялари эслаб ўтилади. “Тайтириябрахманда” ғоя Брахман билан идентификация қилинади. Қизиқ бир жиҳати борки, дастлаб худо Праджапати бутун оламнинг асоси сифатида

қаралган, бироқ кейинчалик Браҳманнинг персонификациялашуви уни Праджапатига тенглаштирилади. Кейинчалик эса уни(Браҳманни) унданда устун қўйишади. Натижада Браҳман оламнинг бирламчи сабаби ва ўз-ўзини ташкил этувчи( Сваямбху) сифатида қаралган [3].

Браҳман муаммоси ҳақида Э. Мирча хулосасига кўра Праджапати ва хонадон ўчоғи, Ригведага таққосланган. Ригведа матнлари эса шу ўчоқнинг ғиштларига таққосланган.

Э. Мирча хулосалари жуда муҳимдир, чунки унда бир томондан Пуруша Браҳман билан айнанлаштирилган, иккинчи томондан Атман ва Браҳманнинг ўзаро тенглиги ҳақида фикр юритилган. Праджапати ва Атман ўзаро айниятдир. Улар иккаласи турли моддалардан қайта тирилган. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш даркорки, бу асотири Атманни қайта тирилиш учун энг яхши намуна сифатида қаралган. Браҳманларда энг олий билим атманни билиш билан тушунтирилади. Шатапатхе Браҳманда эса ғоя бирламчи асос сифатида қаралади. Ушбу бобда нутқ, нафас, кўриш, эшитиш, ҳаракат, олов, билим ўзликни намоён бўлиши орқали тушунтирилади. Шунинг учун атман барча нарсаларнинг субстанцияси сифатида қаралади. Шундай фикрни илгари суриш мумкинки, атман тушунчаси жон тушунчасига нисбатан анча кенгрок саналади. Шундай қилиб, Браҳманларда атман инсоннинг ички моҳияти сифатида қаралади. Нафас олиш эса ҳаётнинг бирламчи воситаси сифатида қаралган.

Браҳманизмда энг эътиборли жиҳати шундаки, унда руҳнинг ўлими ҳақидаги тушунчалар ўзгачадир. Масалан ҳиндшунос В.Г. Эрманнинг таъкидлашича, Браҳманларда аллақачонлардир дунёқарашни ривожлантириш учун энг муҳим бўлган “қайта ўлим” тушунчаси мавжуд эди. Такрорий ўлимда шахс ҳақиқатга эришиши лозим, ҳаттоки у абадийликка ҳам эришиши мумкин, бунинг учун у Браҳманизмдаги барча маросимларни амалга ошириши лозим. Бу фикрлар Упанишадлардаги инсоннинг ўлимдан кейинги тақдири ва карма қонунлари ҳақидаги таҳминини юзага келтиради [4].

Радхакришнаннинг айтишича, браҳманизмда келажак ҳақида яқдил назария мавжуд эмас. Аждодлар тариқати ва дева [5] лар йўли бир-бири билан фарқланади. Қайта туғилиш бу ёвузликдан қочиш деб эмас аксинча эзгу неъмат сифатида қаралади. Бу баъзи илоҳий сирларни билиш сифатида ҳадья сифатида ваъда қилинган. Абадийлик осмонда худонинг олдида амалга ошади деб таҳмин қилинади. Махсус қурбонликлар инсонни худога етказишга ёрдам беради. Ҳаттоки, юлдузлар ҳам мурдалар қабристони ҳисобланади. Браҳманизмда боқийликка ҳеч бўлмаса узок умр кўриш учун ҳам қурбонлик қилиш зарурдир. Агар инсон узок умр кўрмаса ёки жаннатга тушмайдиган бўлса демак у кам қурбонликлар қилган ёки бўлмаса маросимлар ўз вақтида бажарилмаган. Агар инсон қурбонлик қилса уни овқатга муҳтожлиги бўлмайди. Тақвадорлик эса инсоннинг кейинги ҳаётда туғилиши – энг олий мукофот сифатида қаралган. Браҳманизмда бу ҳаётдан бошқа ҳаёт борлиги унинг ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ. Браҳманларда қайта туғилиш ҳақидаги таълимотини ривожлантириш учун барча шароитлар мавжуд эди. Упанишадларда бу фикр тизимлаштирилган ва қайта туғилиш тўғрисида таълимотини яратишди. Гарчи карма ва қайта туғилиш ҳақидаги таълимотлар орийларнинг рационал маҳсули бўлсада, лекин инсон руҳининг ҳайвонларга кўчиб ўтиши ҳақидаги дастлабки стихияли ғоялар маҳаллий аҳолида мавжуд бўлганлигини инкор этиб бўлмайди.

Араняклар таржима қилинганда “ўрмон китоблари” деган маънони англатади. Унда муқаддас матнлар мавжуд бўлиб, браҳманлардаги қурбонлик тизими янада тизимлаштирилган. Улар асосан муқаддас китобларни урмонларда ўрганишган. Унда қурбонлик қилишга бағишланган маросимлар мавжуд эди. Араняклар дунё ва инсон ўртасидаги диний ва фалсафий мушоҳадалар учун кўприк вазифасини бажарган. Аранякларда вужудга келган ғояларнинг аксарияти кейинчалик упанишадларда янада чуқурроқ ўрганилган.

Г.М. Бонгард-Левин таъкидлашича, дастлаб атман тушунчаси Аранякларда ўсимликлар ва ҳайвонлардан инсонларга эволюция натижасини биологик фаоллигини кўрсатади. Маълумки атман тушунчаси Ригведада ҳам учрайди, аранякларда эса у ўз-ўзини англашни билдиради. Атман доим инсонда шаффоф бўлиб боради. Чунки унга ақл-идрок берилган. Ҳамма мавжудотларда атман мавжуд айниқса инсонларда у ақл билан мужассамлашган. Шунинг учун атманни англаш бу ўз-ўзини англашдир.

**Айтиладики:** “кимки Атманни кўпроқ билса у бу дунёда кўпроқ яшайди. Дарахтлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси уни ҳаммадан кўп англайди. [6]” “Айтарея араняк”да айтилишича инсон доимо янгиликка интилиши яниким унда(инсонда) потенциал чегараланмаганини кўрсатилади. Шунингдек Аранякда нафас олиш инсон ва дунё ўртасидаги ўзаро алоқа сифатида қаралган.

Кейинчалик Упанишадаларда ҳам “руҳ” тушунчасининг трансофамациясини кўришимиз мумкин. Классик Упанишадалар 108 қисмдан иборат бўлса, уларнинг айримларида руҳ тушунчаси мавжуд. Энг қадимги Упанишадалар Брихадараняка Упанишадалар бўлиб, тадқиқотчилар фикрича уларни ёши икки ярим минг йилдан кам эмас. Тадқиқотларда айтиладики, айнан шу даврга келиб, Упанишадаларнинг асосий тамойили ишлаб чиқилган. Хужжатларни чуқур таҳлил қилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики “Энг муҳим” деб топилган 13 та асосий мадҳ тан олинди. Улардан энг биринчиси “Брихадараньяка”(बृहदारण्यक उपनिषद्) ва Чхандогья милоддан аввалги VIII – VII асрларда яратилган бўлиб, кейинги еттита кичик бўлимдан (Айтарея, Каушитаки, Кена, Тайтирия, Катха, Иша, Мундака) 6 – 4 асрда қолган тўртта энг ёши (Шветашара, Майтри, Прашна,Мандукья) милоддан аввалги 3-2 асрларда яратилган.

“Упанишад” тушунчаси санскрит тилидан таржима қилинганда “кимнидир олдида ўтирмак” дегани яъни аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, “ўзтўзни олдида ўтирмак” маънони билдиради. Кейинчалик эса “махфий билим” деб аталган. Кўпчилиқ фикрига кўра Упанишадлар муаллифи йўқ деб ҳисобланади. Аслида эса у тарихий шахслар (нотиклар ёрдамида) томонидан мафкуралашган. Масалан милоддан аввалги 670 -640 йилларда Аруна, Джанака ва Шандилья, милоддан аввалги 640-610 йилларда Уддалака, 610-580 йилларда эса Шветакетулар томонидан унинг асосий ғоялари ишлаб чиқилган.

Упанишадларда атман ва браҳман ҳамда атман ва пуруша тушунчалари дастлаб синоним тарзда қўлланилган. Лекин дастлаб улар турли маъноларда қўлланилган. Энг биринчи веда манбааларида (Ригведа, Самоведа, Атхарваведа) “Браҳман” тушунчаси “ибодат” ва муқаддас сўз тушунчаларини аңлатган. Браҳман тушунчаси санскрит тилидан “sarht” сўздан олинган бўлиб, “бир тутам майса”, “ҳадя учун ахлат” деган маънони аңлатади. Юқорида таъкидланганидек Атман тушунчаси “мен” тушунчасини аңлатиб рефлексиф тарзда “тана” тушунчасини ҳам аңлатади. Пуруша тушунчаси санскрит тилидан таржима қилинганда инсон деган маънони аңлатади. Ригведада эса барча борлиқнинг бирламчи манбаи - дастлабки одам ҳам шундай аталган.

#### Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. В.С.Костюченко. Классик веданта ва ведантизм. – М,1984 23Б
2. Э. Мирче. Диний ғоялар ва эътиқодлар тарихи. М, 2001 212Б
3. “Тайтирия-браҳман” II.8.8
4. Г.В. Эрман. Веда адабиётлари ҳақида очерк. М-, 1980 149Б
5. Қадимги ҳинд фалсафасида инсонлардан кчли бўлган илоҳ сифатида қаралади.
6. Айтарея Араняк. II .3

УЎК 930

### ЎЗБЕКИСТОНДА ГИЁҲВАНДЛИККА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ (ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ)

*Ж.Махматқулов, PhD, Қаршии давлат университети, Қарши*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистонда гиёҳвандликка чалинган беморларни даволаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тарихий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** гиёҳвандлик, гиёҳвандликка қаршии кураш, соғлиқни сақлаш, давлат сиёсати, халқаро ҳамкорлик, жамият, профилактика.

**Аннотация.** В статье представлен исторический анализ мер, реализуемых в Узбекистане для лечения наркоманов.